# Асалари мўъжизаси



15:00 / 03.02.2021    3351

Аллоҳ таоло Наҳл (асалари) сурасида шундай марҳамат қилади:

**يَخْرُجُ مِن بُطُونِهَا شَرَابٌ...**

**«Унинг қоринларидан шароб (асал) чиқади»**

Нега Роббул ъизза қорин сўзини бирлик шаклида эмас кўпликда келтирди.

Маълум бўлишича, асаларининг учта қорни бор экан. Гулдан олган шираси биринчи қоринга киради. Бир муддат тургач клапан очилиб иккинчи қоринга тушади ва шу ерда соф асалга айланади.

Иккинчи қорин охирида яна бир клапан бўлиб, шу ердан асал заруратга қараб учинчи қоринга ўтади. Учинчи қоринда ошқозончаси бўлиб узоқларга учганда унга қувват бўлиши учун шу асалдан озуқаланади.

Асалари уясига қайтиб келгач мўъжизанинг каттаси рўй беради. Яъни, асалари иккинчи қорнидаги барча соф асални оғзидан (орқасидан эмас) уянинг бўш жойларига қўя бошлайди.

**أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَىٰ قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا**

**Қуронни тадаббур-тафаккур қилмайдиларми ёки қалбларга қулфлари осилганми!?**

***Арабчадан Абдулатиф Атаханов таржимаси***